



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 68 (9.260) 1999 йил 14 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигининг Давлат маслаҳатчиси Кристиан Пьеррени қабул қилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб ўрган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Чичен бошлик делегация аъзолари пойтахтимиздаги Хотира хиёбонини зиёрат қилди.

Тошкентда Олимпия шон-шухрати музейида Россиянинг Брянск шаҳрида ниҳоясига етган аёллар орасида кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа иштирокчиларидан Ўзбекистон Президентига совға қилинган биллур кубокни музейга топшириш маросими бўлди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳофазасига бағишланган республика йиғилиши бўлиб ўтди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалаларига бағишланган республика кенгаши иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Муражаатнома йўлладилар.

Навоий шаҳрида вилоят фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

«Тўғри овқатланишнинг маҳаллий муаммолари» — экология ва саломатлик кунлари доирасида Тошкентда халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбар ходимлари билан республика ҳамда хорижий матбуот вакиллари билан анъанавий учрашуви бўлиб ўтди.

Италиянинг Пезаро ва Урбино вилоятлари саноатчилари уюشمаси делегацияси ўзбекистонлик ва италиялик бизнесменларнинг меҳлеб ҳамда куриллиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлиги имкониятларини ўрганиш мақсадида мамлакатимизга келди.

## ЖАҲОНДА

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига Сьерра-Леонедаги БМТ миссияси кузатувчилари мандатини олти ойга, яъни 1999 йилнинг 13 декабригача узайтириш ҳақида таклиф киритди.

Қирғизистон Республикасининг Сузук тумани аҳолисига кўчки хавфи хуруж қилган қўлаб-қувватлади. Мамлакат Бош вазири Виктор Орбан латвиялик ҳамкасби Вилис Криштопанос билан учрашувда шуни маълум қилди.

Иордания пойтахти — Оммонда ҳукумат тепасида узок ўтириб қолган ва шу йилнинг февраль ойида рақдан вафот этган Хусайн ўрнини эгаллаган Абдуллага тож кийдириш маросими бўлиб ўтди.

Парламент аъзолари бир овоздан Кашмир муаммоси тўғрисидаги Ҳиндистон билан юзага келган келишмовчиликни бартараф этиш борасидаги музокара-ларнинг давом эттиришга ҳайрихоҳлик билдирди. Депутатлар икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг учрашувини ўтказиш зарурлигини қайд этди.

## Футбол

### ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Ўтган шанба кун Марказий «Пахтакор» йиғини ҳақида Сиднейдаги 2000 йилги олимпиядага саралаш турнири доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон олимпия терма жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Охириги икки учрашувда Қозғистон терма жамоасидан мағлубиятга учраган олимпиячиларимиз учун ушбу йилда ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шундай бўлса-да биринчи бўлим унчалик ҳужумкор руҳда ўтмай 0:0 ҳисобида тўхтди. Иккинчи бўлимда ҳар икки жамоадан қўпол ўйнаган биттадан

футболчи майдондан четлатилди. Сўнг майдонга Анвар Бердиев тушган, Ақопянц — Бердиев жупфлиги рақиблар ҳимоясини саросимага сола бошлади. Бердиевнинг ўзи ақойиб зарба билан ҳисобни очди. Орадан кўп ўтмай олимпиячиларимиз ҳисобни оширишди. Андрей Ақопянц киритган охириги тўп олимпиячиларимизнинг 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабасини ташминлади.

Олти учрашувдан 10 очко тўплаган ҳамюртларимиз ҳозирча гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Дилшод ИСМОИЛ.

Шаҳримизда бошланган қурилишларнинг талайгина қисми Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги олдидан фойдаланишга топширилди. Бу қурилишлар ичида ўз жойлардан ташқари коллеж, лицей, сув хавзалари ҳам мавжуд. Мухбиримиз «159-трест» очик турдаги акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси Саиджон Саидзизов билан алоҳида аҳамият берилган қурилишлар ҳақида сўхбатлади.

Мустақил юртимизга малакали кадрлар керак. Кадрларимизнинг таълим олишлари учун эса ҳар томонлама қўлай ва замонавий анжумлар билан жиҳозланган ўқув масканлари зарур. Ана шундай талабга жавоб берадиган даражадаги мактаб, коллеж ёки лицейлар қуриляптими?

— Яқиндагина фойдаланишга топширилган Ҳамза туманидаги 230-мактаб қўшиқдаги сув хавзаси ҳамда 143-Богчани бугунги кун талабига жавоб берадиган масканларимиздан десак янглишмайман. Чунки уларда болаларимизнинг яхши дам, билим олиб, саломатликларини мухтафамлашларига тўлиқ имкониятлар мавжуд. Биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида соҳалар-



## ҚУТЛУҒ ТҮЙГА ТҮЁНА

қандай куриллиш ишларни олиб бораёсизлар?

— Бозор иқтисодиёти шароитида кўп касббилик аскарлар экан. Шуни тўғри тушуниб етган ҳолда биз коллеж ёки политехника куриш билан чегараланмай, жаҳон андозлари даражасидаги савдо расталари, замонавий лойиҳадаги ўй-жойларни ҳам қураёлишимиз. Фикримиз далил учун Абай кўчасидан Олмазор кўчасигача давом этадиган савдо расталарини олайлик. Бу ерда трестимизнинг 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари куриллиш-тиклаш ишларини олиб боришмоқда. 1-шаҳар клиникаси қошидаги қўшимча янги шифо масканини ҳам бизнинг қурувчилар бунёд этишмоқда. Усмон Носир кўчасида бир неча йилдан буён фойдаланилмаётган 5 қаватли бино қайта таъмирланмоқда. Бу бино 40 хонадонга мўлжалланган ўй-жой бўлиш билан бир каторда, биринчи қаватда маийш хизмат кўрсатиш шох-

лиқда «Паста — Камола» қўшма корхонаси ўз ишини бошлади. Қўшма корхонага 600 минг АҚШ долларилек янги замонавий линия ўрнатилди. Ҳозирда бу ерда янги махсулот — картошкандан чиқарилган маҳсулот.

Узининг сифати ва тўйимлилиги билан ажралиб туривчи ҳамда четдан келтирилетган махсулот ўрнини босувчи ушбу янги махсулот турини боғириш қадокламини билан ҳам ажралиб туради. Ҳозирда янги махсулот пойтахтимиздаги савдо дўконларига чиқарилмоқда. Келгусида эса уни экспорт қилиш ҳам режаланган.

Дилноза ФИЁСОВА.

хобчаси ҳамда савдо дўконлари бўлади. Бундан ташқари Мухбир кўчасидаги 5 та ўй хона мустақиллик кунига топширилди. Бу уйнинг бюртмачилари «Узуйжой» жамғарма банкидир. Лойиҳаси жиҳатдан барчангиз кўзини қувнададиган уларнинг умумий майдони 9080 квадрат метр бўлиб, ҳар бири 16 қаватдан иборат. Жами 80 хонадонга мўлжалланган. Айтиш ўтган ишларимизнинг вақтида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан, битта 4-темир-бетон буюмлари завод фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида Мурод Мирзахмедов раҳбарлигидаги 8-қурилиш бошқармаси, Маҳмаджон Ҳужавев бошқармаси, 53-қурилиш бошқармаси, Азам Шодиев ва Бердимурод Турсуновлар раҳбарлик қилаётган 9- ва 22-қурилиш бошқармалари бунёдкорларнинг хизмати тахсинга лойиқ. Биз ҳар бир вақтдан унумли фойдаланиб, август ойининг сўнги кунларига қадар режаланган ишларимизни амалга оширишга астойдил ҳаракат қилаёлишимиз. Чунки тўйга туёна билан бориш миллий урф-одатларимиздан саналади. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини янги ўқув масканларида ўқишларини бошлайдиган фарзандларимизга, уй тўйларига қозирлик қўраётган янги квартира соҳиблари бўлган фуқароларимизнинг шодлиқларига биз ҳам ҳаммафасимиз.

Сўхбатни Гули АБДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

## Қурилиш

### БУНЁДКОРЛАР СОВФАСИ

«Ушбу янги бинони мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арасида фойдаланишга топширамиз», дейишмоқда 3-конвейерли қурилиш бошқармаси бунёдкорлари.

Башқарма бунёдкорлари Шаҳристон ва Обидов кўчалари кесишган жойда уч йилдан бери қурилиш-тиклаш ишларини олиб боришмоқда. Шу йиллар мобайнида улар ҳар бири 96 оилага мўлжал-

ланган иккита 9 қаватли уйни қуриб битказишди. Ҳозир бу йилларда бахтиёр оилалар яшашмоқда.

Қурувчилар бугунги кунда учинчи ана шундай 9 қаватли бинода бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. Уларнинг нияти истиқлол байрамини соғва этиб бино хоналари қалитини эгаллагани топширишдан иборат.

Махсуд ОРПОВ.



### АННА СМАШНОВА — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Биринчи сет рақибларнинг устунлигида ўтиб 6/0 ҳисобида ақунланган бўлса-да, хал қилувчи иккинчи сетда Тўлағанова — Перебенсис жупфлиги бор маҳоратини кўрсатиб ишхибозларни ҳод этишти. 6/6 ҳисобидан сўнг тайбрекда 4/0 ҳисобида олдинда бораётган қизлар тақрибасизликлари тўғрисидаги беллашувини бой беришди. Бирок, жуда тез куч ва маҳоратини олиштириб «юлдузлар» қаторидан ўрин олаётган, барча ғалабалари ҳали олдинда бўлган Ирода Тўлағанова учун «Tashkent Open» мусобақаларининг яқин финалга чиқишини катта муваффақият сифатида баҳолаш мумкин.

## КЕЧА

байрамонга тус олган, муҳлислар билан лик тўла марказий кортда турнир гултожи ҳисобланмиш хал қилувчи финал бахслари бўлиб ўтди. Дастлаб Б. Куликовская — П. Вартуш жупфлиги испаниялик теннисчилар Е. Бес ва Г. Риералар билан ғолиблик учун кураш олиб борди. Бунда турнирнинг энг кучли жупфлиги Вартуш — Куликовская рақиблари фақат биринчи сетдагина жиддий қаршилик кўрсатишга муваффақ бўлилар. У 7/6 ҳисобида испанларнинг мағлубияти билан ақунланган бўлса, иккинчи сетда финал учрашувларида жу-

да кам учрайдиган 6/0 ҳисоби қайд этилиб, Вартуш — Куликовская жупфлиги ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

Сўнг мусобақаларнинг биринчи ракеткаси Анна Сماشнова (рейтинг рақами 41) учинчи рақамли ўйинчи Лоуренс Куртуа (рейтинг рақами 94)лар ўртасида финал беллашуви бошланди. Қўлиганидек бахс жуда кескин ва муросасиз тус олиб дастлабки тўрт геймининг ўтасида 40/40 ҳисоби қайд этилиб, теннисчилар ғалаба учун анчагина куч сарфлашди.

Бирок метин ирода намуналариини кўрсатиб, девяри бехато ўйнаган Анна Сماشнова иккала сетда ҳам 6/3 ҳисобида устун келиб, яқна тартибда «Tashkent Open» мусобақаларининг ғолиби бўлди.

«Харбий оркестр садолари остида кортда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг биринчи ўринбосари А. Миржаллиев, «ИТП лимитед» фирмасининг раҳбари, мусобақа ташкилотчиларидан бири Сассон Кақшури, турнир директори Аллон Кақшури ва бошқалар тушиб келишди.

## Теннис

Улар мусобақанинг барча ғолиби ва финалчилари П. Вартуш, Е. Куликовская, Г. Риера, Е. Бес, А. Сماشнова, Л. Куртуага бош соврин ва кимматбаҳо совғалар, ян-ял ёниб турган ўзбекиона зар чопон ва зар дўпчаларини топширишди. Мусобақа ташкилотчиси — Тошкент шаҳар ҳокимлиги С. Кақшури ва И. Тўлағановаларга ўз совғаларини тақдим этди. Ушбу навабтда Аёллар профессионал теннис ассоциацияси — WTA тур вакиллари жаҳон бўйлаб аёллар теннисининг ривожига улкан ҳисса қўшган С. Кақшури ва турнири юқори даражада ўтказган пойтахт ҳокимлигида махсус кубокларини топширди. Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси таъсис этган яна бир махсус соврин Анна Сماشновга насиб этди.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

## Фармон ва шарҳ

### МАШХҲУР ШОИРА НОМИДА — ДАВЛАТ МУКОФОТИ

Республика ҳукумати, шаҳсан мамлакат Президентининг ҳуқуқий-демократик — инсонпарвар жамият қуриш йўлидаги изчил фаолияти ҳақида кўп гапирилган. Жумладан, ҳар бир жамиятнинг фуқаропарварлик даражаси унинг хотин-қизларга муносабати билан баҳоланади, деган тамойил нуктаи-назаридан қарайдиган бўлса, салкам саккиз йил ичида аёлларга турли имтиёзлар, англиклар бериш борасида, уларнинг саноатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоясини қучайтириш соҳаларида катта ишлар қилинганлиги ҳаммамизга маълум.

Узоққа бормай, соғлом авлод учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар, оилани мухтафамлаш, унинг таянчи бўлган аёллар ҳақидаги гамхўрлик бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини эслашнинг ўзи киёф. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1998 йил Оила йили сифатида нишонланган бўлса, ўтиб бораётган маданий йилимиз Аёллар йили деб эълон қилинди. Бу ҳақида қарорлар қуруқ дабдабаозлик бўлмай, улар замирида жуда катта сарф-ҳаражатлар билан боғлиқ Давлат дастурлари ётганини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, Аёллар йили муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурини амалга ошириш учун 85 миллиард сўмлик маблағ сарфланиши мўлжалланмоқда. Утиш даврининг оғир мураккабликлари қарамай, бундай катта маблағ ажратиши жамиятимизда аёлларга, уларнинг саломатлигини мухтафамлаш, маънавий дунёсини бойитиш, ҳурматларини жойига қўйиш йўлида жиддий ва изчил иш олиб борилаётганини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган жума

куни матбуотда эълон қилинган «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўлаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони инсониятнинг гули бўлган аёлларимизга кўрсатилаётган гамхўрликнинг янги намунаси бўлди. Фармонда таъкидланганидек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академияси, «Маънавият ва маърифат» маркази ва бир қатор республика жамғармалари ҳамда кенг жамоатчилигини «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлари маъқуланди.

Мақсуд Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида катта муваффақиятларга эришаётган, истиқлол йўлида астойдил ҳаракат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилиши белги-ланган. Ушбу Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилларига биттадан ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арасида топширилади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти агалари катта миқдордаги пул мукофоти билан бирга, олий ўқув юртига имтиҳонларис кириш ҳуқуқи ҳам эга бўлади.

Республикамиз Президентининг мақсуд Фармони мамлакатимиз барча фуқаролари, айниқса, аёлларимиз қалбига чуқур миннатдорчилик туйғуларини ўйғотиши, уларни буюк Истиқлол ато этган неъматларини кун сайин бойитишга сафарбар этишига шубҳа йўқ. Зеро, жамиятимизда амалга оширилаётган эзгуликлар халқимизни шундай фидойилик ва жасоратга ундайди.

## Муносабат

### ОҒОҲЛИК ДОҒДА ҚОЛДИРМАЙДИ

Катта-кичик, энг «ман-ман» деган одам ҳам маҳаллада ўзини камтарроқ тутишга ҳаракат қилиши ҳақида кўп гапирилади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Маҳаллада обрўсини йўқотиш ҳар қандай одам учун ҳам чинакам фожиа дейиш мумкин. Ахир инсоннинг одамшавандалиги-ю маданияти, жонқуярлиги-ю жамоага эззат-ҳурмати айнан шу маҳаллада аққол кўзга ташланади. Бу ерда мансаб, бойлик эмас, энг аввало, одамийлик қадрланади.

Демократизм, маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир одам — кекса-ю ёш, эркак-ю аёл — ҳамма бир-бирини яқин билади, нима билан «нафас олаётганини» сезиб-қуриб туради. Ким нима қилаётгани ҳақидаги ҳамма хабарлар эса маҳалла оқсоқоллари, маҳалла қўмитасида жамланиши аниқ. Шунинг учун ҳам маҳалладаги тинчлик-осойишталик, муҳитнинг мусаффолиги кўп жиҳатдан шу маҳалла қўмиталари, маҳалла фаолларининг ўз бурчига қанчалик масъулият билан қарашига боғлиқ.

Шу маънода ёшларимизнинг ўқишлари, ишлари билан доимий шуғулланиши, уларни жамият учун фойдали машғулотларга тортиш, бунинг учун ота-оналар ўртасида ҳам, ёшлар ўртасида ҳам мунтазам тушунтириш, тарғибот ишлари олиб бориш, ҳуллас, жамиятимизга ёт гоғлар ўрнига ҳақиқий «оқ-қорани» танитиб бориш жуда муҳим масала. Билишимиз, биз шуларга эътибор қилганимизда шу йилги 16 февраль воқеаларининг ҳам олди олиниб қолармиди?! Ҳозир ҳам пойтахтнинг баъзи маҳаллаларида қандайдир «варақлар» пайдо бўлиб қолётгани кўлгошимизга қалинаётти. Ахир қачонгача бу каби воқеаларга лоқайд қараб туриш мумкин?

Шундай «варақа» таркатувчини қўлидан маҳкам тутиб, қўпчилик маҳалладошлар олдида шарманда қилиб, улар ортида турган «валинеъматларини» ҳам аниқлаб олиш ва шу йўл билан ҳам юз бериши мумкин бўлган турли ноҳушликларнинг олдини олиш мумкин-ку! Бунинг учун фақат оғоҳлик, эл дардида жонқуярлик керак, ҳолос.

Т. АБДУВОХИДОВ, С. Раҳимов туманидаги «Шодлик» маҳалла оқсоқоли.

### БУ — БИЗГА САБОҚ БЎЛСИН!

Ойнаи жаҳон ва газеталар орқали кейинги вақтларда қўриб эшитганимиз икки воқеа кўпчилик қатори менинг ҳам қалбимни эзиб юборди десам бўлади. Улардан бири Тожикистонда ватанфурш Жума Намангоний ва Тохир Йўлдошлар томонидан содир этилган мудҳиш қотиллик бўлиб, ҳали ўн гулдан кам гули очилмаган ёш-ёш 18 нафар йигит фожали ҳалок бўлди. Юракларини эзувчи иккинчи воқеа — шу йил 16 февраль фожасида айбдор деб топилган 22 жиноятчи устидан суд жараёнининг бошлангани бўлди. Бир томондан бегуноҳдан-бегуноҳ ҳалок бўлган 16 нафар юртдошларимиз ақилларининг кўз ёшларига тоб бериш қийин. Иккинчи томондан эса, бепарволик оқибатида ёт гоғларнинг ёшларимиз онгига сингдирилишига йўл қўйиш қандай фожаларга олиб келишини ўйлаб, виждон қийналади.

Ахир кўз ўнгимизда ўсиб улғаяётган ёшларимиздан қўз-қулоқ бўлиб, уларнинг ҳар бир қалти кадамининг олдини олиб, эл-юрт, Ватан олдидаги бурчларини тинмай миқяларига қўйиш, тўғри йўл ҳақолатда эмас, балки илм-нарифатда, меҳнатда эканлигини ўқидир бориш биз ота-оналарнинг, мактаб ва кенг жамоатчиликнинг бурчи-ку! Шулари йўларқанман, юз берган юқордаги воқеалар ҳаммамизга қатъий сабоқ бўлсин, Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларимизни ёт унсурлар, турли жаҳолларга-ст қучлар таъсирига бериб қўймайлик, деяр ҳайқиргим келди. Албатта шундай бўлиши керак — ёшларимиз тақдирига, уларнинг келахақида ҳаммамиз ва ҳар биримиз масъулимиз. Бунинг бир дақиқа бўлса ҳам унутмайлик.

Рустам ЗОХИДОВ, ҳайдовчи, меҳнат фаҳрийси.

**«Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди... Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиши туйғуси тобора юксалиб бормоқда».**

Ислом КАРИМОВ

Шўролар ҳукронлигида қатл этилган буюқ ёзувчиларимиз, шоир ва адибларимиз, жадидчилик ҳаракатлари тарихини бутунлай янгидан ўрганиш, асарларини босиб чиқариш, улар ҳақида ҳолиси илмий тадқиқотлар олиб бориш учун катта имкониятлар яратиб берилди. Қўллар нашрлар эълон қилинди...

Бугина эмас, илгари тарихчи ва адабиётшуносларимиз асосан халқимизнинг энг нуфузли вақиллари ҳаёти ва ижодини ўрганишга кўпроқ эътиборни қаратган эдилар. 1999 йил 9 майни Президентимиз «Хотира ва қадрлаш кунидеб эълон қилгандан кейин Тошкент марказида — Мустақиллик майдонида бу савобли ишга бағишлаб қўрилган ажойиб ишшоот шу йилнинг ўзидеб, 9 майдан бошлаб шу қадар серфаёз бир зиёратгоҳга айланиб кетдики, эндиликда унинг довуғи республикамиз ҳудудидан чиқиб, аллақачон жаҳоннинг энг олис гўшаларигача ейдики...

АҚШ, Германия, Россиядан келган сайёҳлардан тортиб зиёратчиларгача бу ҳақда гоёт мамнуният билан гапирганларини телерадиоларда ҳамма эшитди, кўрди, томоша қилди. Қўшни мусулмон республикалардан келган зиёратчиларнинг орзу-хаваслари, ўз юртида ҳам шундай амалларни кўришга нақадар интизор бўлаётганларини очик баён қилганларидеб — ўзимизнинг софиди фуқароларимиз қандай шавқ-завқ, хиссиётларга тўлганларини айтмайсизми?!

Чиндан ҳам фахрланса арзийдиган ишларнинг қадрига етиш учун ҳам кишига муайян бир тушушча, савия, маънавий-ахлоқий тасаввур керак; агар таъбир жоиз бўлса, ҳар бир хайрли, ҳолис, бегарас, жамиятнинг бирор томондан юксалишига кўмак берадиган тадбир-чора моҳиятига тўғри муносабатда бўлиш ҳам — аслида ймон-эътиқодга боғлиқ. Демократик, яхши, фойдали ишдан фақат зарар ахтариб фойда қилиш — камидеб ноинсофлик, ҳатто ймонсизликдир...

Маъзуимиз-ку, аслида тарих ва унинг бугунги аҳамияти, биз нега кейинги ишлардан баъзиларини санаб, унга тўғри ва гаразли муносабатлар устида озгина изох бердик? Сабоби жуда аниқ: Истиқлолимиз йилларида бизнинг эришган анг катта ютуқларимиздан бири модомки, Тинчлик ва Барқарорлик экан, шу орада моддий, маънавий жиҳатдан кўлга киритган барча муваффақиятларимиз аини шу туйғули эмасми? Ахир, тинчлик не эканлигини неча йиллардан бунён билмай, нуқул азоб-қубатга кўмилиб, фиғон чекаётган — биздан унча узок бўлган юртлардаги оддий халқ оммаси бошидан нималар ўтаётганини бутун дунё кўриб турибди-ку! Биздаги ўсиш, ўзгаришга қарши фитналар уюштиратган жангилар — наҳотки барча ажойиб ўзгаришларни салбий деб баҳолаётганми? Ҳатто дунёнинг энг ривожланган давлат ва жамоат арбоблари ҳам тан олаётган ютуқларимизни ҳам гаразгүйлик билан инкор этаётган бахилларни нима деб аташ керак?! Жаҳон халқлари кўз ўнгидеб нафратга учраган ёзувлар — ҳар икки дунёда хор бўлишлари азалий энг олис маънавий, маърифий таълимотларнинг туб негизи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай...

Бизнинг буюқ аждодларимиз сифатида миллий тарихимизга катта мавқеалар билан кирган сиймоларнинг ҳаммалари худди шу нуқта-назар билан яшаганлар, ишлаганлар, ижод қилганлар, худди шунинг учун ҳам улардан қолган бой маданий, адабий, маънавий мерос асрлар оша кадр-қимматини йўқотмайди, мангу яшайди, ҳатто ўз миллий доирасидан чиқиб, умуминсоний маънавий ҳазинага қўшилиб кетади, уни янада бойилтиди... Зеро, маънавий мероснинг — «ҳазина»

шу мақола чиқишига катта ердан берди. Кейинги жумла сиртдан ҳозир жуда оддий туюлса керак. Аммо ўша вақтда ёзилган мақолалари ярим йил, бир йиллаб редакцияларда ётгандан кейин бир амаллаб чоп этилган, ёки китоблари нашриётларда ўн йиллаб ётиб чиққан одамлар бу гапнинг мазмунини чуқур хис этади. Булар ҳам ўзи бир тарихчи, келажакда худди шу мавзулар устида мақолалар, китоблар ёзилиши ҳам мумкин.

Ууллас, Элбек ҳақида мана ўн йиллардан бунён анча-мунча мақолалар, фикр-мулоҳазалар ахборот воситаларида эълон қилинди, яна нимақимми ёзиш мумкин экан? — деган сўроқ ҳам пайдо бўлар. Бу сўроқ аввало жавоб шулки, Элбек ва унинг замондош ҳамфиқрлари ҳақида ХХ асрнинг бошларидан бунён ёзилади ва яна орадан

қанд, Тошкент, Фарғона водийсида, Қашқадарё ва бошқа худудларда Усули жаҳид номи билан аталган мактаблар очилади. Бехбудий, Фитрат, Айнӣ, Мунавварқори каби даврининг энг илгор зиёлилари бу ишларга жуда катта аҳамият берадилар... Бундай мактабларда диний илмлар билан бирга дунёвий фанлар, она тили, адабиёт, риёзиёт, тарих, жуғрофия каби аниқ фанлар ҳам ўқитилади. Маҳаллий «ислом ақидонарастлари» ўша вақтларда ҳам Усули жаҳид мактаб етакчиларига қарши кураш ва фитналар қилиб, «булар ёшларимизни кофир қилмоқчи» деб тухматлар қилган. Чор ҳукумати амалдорлари эса, жадидларни аниқ фанлар ўқитилишидан «халқнинг кўзини очиб юборади» деб чўчир эдилар. Ҳатто Бухоро амири — Олимхон Бехбудийни жадидликда айблаб, қатл этил-

дийлиги, унга садокати, эътиқодидан келиб чиқса, иккинчидан бу сўлим маскан унга ҳаммиша илҳом бахш этарди. Ахир биз ўзбеклар ўтроқ ва ўз эл-юртимиздан ҳеч қачон узоклашишни истамайдиган бир руҳда тарбия олганмиз-ку!.. Қорин тўйган жойга бош олиб кетавериш бизнинг табиятимизда йўқ... Аммо айрим ички ва ташқи вазиятлар таҳдиди — сталинчи қотиллар хунрезлигидан жон сақлаб қолиш учун ватандан кетганлар бундан мустаасно... Ана энди шу жиҳатдан қарасангиз, қатлимон даҳшат солиб турган энг сўнги кунларгача ҳам ватани, халқи, эл-юрт билан бирга қолганлар орасида Элбек ҳам бор эди-да!

Элбек 1920-йилларнинг бошларидаёқ бошланғич мактаблар учун ёзган ўқиш китобидаги «Навоий» мақоласида Алишер Навоийнинг бутун салобати — миллий тарихимизда тутган ўрнини жуда содда бир услубда — энг кичкинтой болаларга тушунарли қилиб изоҳлаб беради. Бунда яна эътиборга алоҳида молик нуқта шулки, Навоийнинг шоир, олим, буюқлигини шарҳлаб туриб, ўзбек тили мавқеини кўтаришдаги хизматлари жуда тўғри ўқидилади, бу фикрлар ҳамон аҳамиятини йўқотган эмас, «Елқинлар» тўпламидаги «Бибихоним мадрасаси» шеъриси эса, 20-йилларда хароб қилинаётган тарихий обидаларимиз яна бир кун келиб қаддини ростлаши, қадр-қиммати кўтарилиши — тарихнинг ҳукми деб изоҳланади. Яна «Кекса Туркистон» эртагида эса ўзбек, тожик, қозоқ, кирғиз сингари барча ерли аҳолиси аҳил бир оила тарзида яшаш билангина вайрон бўлаётган Туркистоннинг қадимий мавқеини сақлаб қолади, деган гоё илгари сурилади...

Бу Элбекнинг миллий, маданий меросларимиз, тарихий обидаларимизни кўз қорачиғидай асраш ёшлар тарбияси учун нақадар зарурлигини ўқидиш мақсадларидан келиб чиқарди. Яна, бошқа жиҳат — эл-юртига муҳаббат ва садокат хиссиётлари ҳақида: Ўзбекистондаги фаслар — Кўкмам, ёз, қуш ва ундаги ўзига ҳос гузал табиат манзаралари жуда катта завқ ва илҳом билан боғлашга тушунарли жўшқин сатрларда тасвирланади. «Кўёш қиши», «Суё», «Чўмилиш», «Тун-кун», «Ер» каби шеърларида бориқчининг завқ-шавқи тасвирланади... «Ер билан тоғ», «Қайси бири бун?» сингари қўллаб шёрий асарларида эса, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги курашлар, кескин эътиқодлар очиб ташланади, беғоналарга оёқости бўлишда гоёт каттик нафратланади. Мана бу сатрларга бир назар таштайлик:

*Ер билан тоғ ўртасида  
Юксак тоғ ерга қўлаб  
боқарди,  
Ҳар ёмонлиқни унга  
тақарди.  
Айтарди: «Ер, ер, сен эсанг  
гар Эр,  
Биз каби юксал,  
кўрғанингни кер!  
Ялпайиб ётма,  
номусинг сотма!  
Оёқ остида ўзинг  
топтама!  
Сени инсонлар, боқ,  
на қилдилар?  
Гавданни минг-минг  
бўлиб талдилар!  
Биз каби бўлсанг, сен ҳеч  
бундайин  
Тубан ҳолларда қолиб  
ётмасдинг!  
Оёқ остидан  
кутлардинг бутун,  
Ўзини хўрлик  
сари отмасдинг!»*

Шеърнинг давомидеб Ер ва Тоғ устида ҳукм сураётган зулматдан, босқинчиликдан фарёд изох этилиши билан биргаче индамай «ялпайиб» ётаверганининг тақдирини ҳаммиша оёқости, бировларга ем бўлишдир, деган гоё очик ифодаланади. Мана Истиқлол учун курашиб қурбон бўлганлар жасорати! Бу сатрларнинг ёзилганига саксон йил бўлди. Унинг гоёвий мундарижаси ҳамон бугунги маънавий талабларимизга жавоб бериши билан қимматли эмасми? Бугунги қалтис дунё воқеа-ҳодисаларига дош бериши ва уларга муносив ҳар бир муаммога шай туриши — ҳозир энг муҳим масала бўлиб қолди-ку! Элбек салкам бир аср илгари келажак ҳақида бу қадар тафаккурга эга эди... Бизнинг Элбек ва унга замондош зиёлиларимиздан қолган бой маънавий ҳазина ҳаммиша ўз кадр-қимматини сақлаб қолиши боиси ҳам шундандир.

Аҳмад АЛИЕВ.

Кўни кеча Тошкент вилоятининг хушманзара Фазалкент шаҳрида улуг шоир, адиб, олим Элбек таваллудининг 100 йиллиги тантана билан нишонланди.

Бу, аввало, шoirнинг ўз киндик қони тўқилган Ерга тўғма муҳаббатининг аба-

**Истиқлол ва миллий қадриятларимиз**

**VIII. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?**

**Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиз қаторида юртбошимиз миллий тарихимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тикланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар... Бу борада кейинги етти-саккиз йилда амалга оширилган ва ҳамон давом этаётган оламшумул ишлар кўз ўнгимизда рўй бераётгани маълум ва уларни санаб чиқиш ҳозир шарт эмас. Энг қадимий даврлардан бошлаб то 1991 йилгача таъқиб этиб келинган буюқ даҳларимизнинг маънавий мерослари халқимизга қайтарилмоқда.**



қанча йиллар ўтмасин, ёзилаверадими ва бу иш асло тўхтамайди. Чунки уларнинг мангуликка даждер вазиявий ҳазиналари замонлар ўтиши билан, даврлар ўзгариши билан кун тартибига чиқиб турган энг долзарб муаммоларнинг тўғри ечимини топишга кўмак бераверди ва худди шу фазилатлари билан улар бизнинг абадий маънавий меросимизга айлиниб бораверди. Уларнинг бебаҳорлиги ҳам шундай...

Айтилайки, мана, Мустақиллигимизнинг саккизинчи йили ўтмоқда. Олий Мажлисимизнинг навбатдаги — XIV сессиясида Юртбошимиз кўп масалалар билан бирга ёшлар тарбиясига энг катта аҳамият беришимиз лозимлигини катор мисоллар билан неча марта таъкидлаб ўтдилар. Агар биз бу масалани энг тўғри ҳал этиш йўлиларини ахтариб, булар орасида ўз миллий маънавиятимиз ҳазинасига ҳам мурожаат қилганимиз бўлса, нақадар қимматли манбаларга дуч келишимиз. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғоzi Юнуслар билан бирга Элбек ҳам бизга бой мерос қолдирган. Айниқса, Элбек бутун ҳаётини бошқа сафдошларидан кўра кўпроқ ёшлар тарбиясига бахшида этган десак, ҳато бўлмайди. Чунки Элбекнинг асосий касби — ўқитувчилик бўлган; у бутун ижодий ишини ёшларга дарс, таълим-тарбия бериш билан қўшиб олиб борган. Еган шеърлари, қўшиқлари, декламациялари, ҳикоя, масаллари, эртақлари, дарслиқлари, ўқув қўлланмалари — ҳамма-ҳаммаси фақат ёшлар тарбиясига аталган ва уларнинг кўплари бунгун ҳам ўз маърифий, маънавий аҳамиятини йўқотган эмас.

Ҳар бир ёзувчи ёки олим фаолиятига боха берганда — албатта унинг ижодий маъсуллик таяниш оддий ҳақиқат. Бунини исботлашга ҳожат йўқ. Бироқ кейинги пайтларда пайдо бўлган айрим элбекшунослар — жадидчилик тарихи ҳақида ҳеч қандай далил-исботсиз баъзи ноаниқ фикрларни билдиришмоқда. Ҳамон шу гап ўртага тушган экан, бу ҳақида ўз тушунамизни бир оз айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Аввало жадидчилик оқими ХХ аср бошларида бутун мусулмон дунёсида, Туркия, Араб, Азарбайжон, Қрим, Қозон ва Россиянинг мусулмонлар яшайдиган дярли барча ўлкаларида — қозоқ, кирғиз, татар, ўзбеклар орасида кенг тарқалди. Бошқаларни қўйлик-да, ўзимизда — Бухорода «Еш бухорликлар» деб аталган бир ҳаракатчилар пайдо бўлди, тарихга шулар «жаҳидлар» номи билан қиради. Шундан сўнг Самар-

қанча йиллар ўтмасин, ёзилаверадими ва бу иш асло тўхтамайди. Чунки уларнинг мангуликка даждер вазиявий ҳазиналари замонлар ўтиши билан, даврлар ўзгариши билан кун тартибига чиқиб турган энг долзарб муаммоларнинг тўғри ечимини топишга кўмак бераверди ва худди шу фазилатлари билан улар бизнинг абадий маънавий меросимизга айлиниб бораверди. Уларнинг бебаҳорлиги ҳам шундай...

У моддалар дунёсида дастлабки қадимларини ташлашга кўмаклашган ўз устози Наталья Константиновна, шунингдек ҳам дўсти, ҳам мураббийи деб ҳисобланувчи Тарас Воликов тўғрисида илҳомга тўлиб-тошган ҳолда ўзининг сурат ва-расмларининг биринчи кўргазмаси ташкил этилди. Бу бўлуси модельернинг моддалар олами деб аталиши ўзига ҳос дунёга дастлабки қадами эди. Мактабдан сўнг Маҳмуд 10-билим юртини барча турдаги либослар тикувчиси иҳтисослиги бўйича, бошқача айтганда модельер-конструктор сифатида аъло баҳолар билан тугатди. Сўнг «Benaks» фирмасининг менежмент академиясида ўқитувчилик фаолиятини амалга оширди. Бугунги кунга келиб эса Маҳмуд Отақўзиев республикамнинг энг етакчи модельерларидан бири саналади. Кўриниб турганидек, одам доимо иқтидор ва меҳнат билан ёна-ён бўлади.

Маҳмуд Отақўзиев моделарни ижод қилиш жараёнида гоёларнинг ўзига ҳослигига устуи даражада аҳамият беради, фақат табиий матолардан фойдаланади. — Ҳар бир аёл, — дейди у, — ишга қандай либослар кийиш лозимлигини билади, модельер эса унга байрам тадбирларига унутилмас ва бетакорр қиёфада қиқиб, кечанинги маллиқаси бўлишига ердан беради. Маълумки, қадим-қадимлардан Шарқда устозлик ва шоирлик тушушчалари жуда муҳим роль ўйнаб келган. Маҳмуд ҳам ушбу тамойилларга қатъий риоя қилиб келади.

Маҳмуд Отақўзиев моделарни ижод қилиш жараёнида гоёларнинг ўзига ҳослигига устуи даражада аҳамият беради, фақат табиий матолардан фойдаланади.

Ҳар бир аёл, — дейди у, — ишга қандай либослар кийиш лозимлигини билади, модельер эса унга байрам тадбирларига унутилмас ва бетакорр қиёфада қиқиб, кечанинги маллиқаси бўлишига ердан беради.

Маълумки, қадим-қадимлардан Шарқда устозлик ва шоирлик тушушчалари жуда муҳим роль ўйнаб келган. Маҳмуд ҳам ушбу тамойилларга қатъий риоя қилиб келади.

Кўни кеча Тошкент вилоятининг хушманзара Фазалкент шаҳрида улуг шоир, адиб, олим Элбек таваллудининг 100 йиллиги тантана билан нишонланди.

**Янги технологиялар**  
**ЖАҲОНГА МАНЗУР**

Ўзбекистон олимларининг самарали изланишлари натижаси улароқ қўллаб янги технологиялар яратилмоқда. Уларнинг аксарияти хорижий мамлакат олимлари эътиборини ўзига тортди, четди-лицензия тарихида тақдим этилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси тарихида биричи марта амалга оширилган бундай дастлабки жараён электроника институти олимлари яратган технологиялар бўлганлигини фахр билан тилга олиш жоиздир.

Чиндан ҳам бу тадқиқот ўчоғида ишлаб чиқилаётган ноёб асбоб ва курилмалар жаҳон андозалари талабларига жавоб бериб, халқаро аҳамият касб этмоқда.

— Янги ион-плазма технологиялари ва ноёб курилмалар ривожланган мамлакатларнинг 20 дан ортиқ патенти билан ҳимояланди, — дейди институт директорининг уринбосари Шокирхўжа Омонов. — Лицензия ҳолида сотилган технологиялар Швейцария ва Япония каби мамлакатларда ҳам муваффақият билан қўлланилмоқда.

Европа мамлакатлари ҳамкорлиги кенгаши томонидан ўтказилаётган халқаро танлов дастурига ўтган йили Ўзбекистон бўйича 10 дан ортиқ лойиҳа маблағ билан таъминланган бўлса, шулардан учтаси электроника институти олимлари изланишлари учун берилди. Халқаро ИНТАС дастури бўйича яна бир нечта молиявий кўмакка эга бўлди.

Украина Миллий фанлар академияси билан ҳамкорликда битта илмий лойиҳа бажарилмоқда. Халқаро Сорос жағғармаси эса институтига 3 та тадқиқот гранти, ҳамда 30 та шахсий грантни ажратди.

Бундан ташқари термоядро реакторининг биринчи девори масалаларини ҳал қилиш бўйича халқаро МАГАТЭ дастури тарихида ҳамда атоф-муҳитни муҳофазалаш бўйича америка-исроил УСАДД дастури асосида йирик тадқиқотларга кўл урилди.

Институтининг бир гуруҳ етакчи олимлари томонидан яратилган, «Атом зарралари мажмуасининг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири» янги технологиялар ва асбоблар» деб номланган иш ҳам илмий муассасанинг кейинги йилларда кўлга киритган жиҳдий ютуғи бўлди.

Уруғлик чигитларни тайёрлашнинг истиқболли технология ва курилмаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам самарали бўлмоқда. Бу эса пахта физикаси ва чигит олиш технологиясини яратиш учун мустаҳкам илмий негиз сирти берди. Республикамизда туқсилантирилган чигитлар тайёрлаш билан шуғулланаётган 40 дан зиёд цехлар институтига ишлаб чиқилган технология ва машиналар мажмуаси асосида фаолият кўрсатмоқда. Аини вақтда патентлар билан ҳимояланган чигит туқсилантиригичнинг конструкцияси ишлаб чиқилди ва Тошкент вилоятининг Олимпкент пахта заводида ўрнатилди.

Электроника институтига асос солинганга ўттиз йилдан ошди. Бу орада у электрон техника, космик материалшунослик, асбобсозлик ва микроэлектроникани илмий асосда ривожлантириш борасида қўллаб тадқиқотлар юзга келдики, бу ҳол Ўзбекистонда электроника фани салоҳиятини янада оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Нафиса САФАРОВА. Акбар АЛИЕВ.



«Азиза Сайфи кизи» хусусий фирмасида аёллар ва эркеклар учун бежирим, уларнинг нозик дидига мос устки кийимлар тикилмоқда.

СУРАТДА: фирманинги моҳир тикувчи-устаси Фотима Жамолова.

**Касбга садоқат**  
**МОДАЛАР БАЙРАМИ**

Ушбу ёш ва истиқболли порлоқ модельер Маҳмуд Отақўзиев билан биз «Модалар байрами» Иккинчи Республика фестивали арафасида суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

Маҳмуд 10 ёшга тўлганида унинг сурат ва-расмларининг биринчи кўргазмаси ташкил этилди. Бу бўлуси модельернинг модалар олами деб аталиши ўзига ҳос дунёга дастлабки қадами эди.

Маҳмуд 10-билим юртини барча турдаги либослар тикувчиси иҳтисослиги бўйича, бошқача айтганда модельер-конструктор сифатида аъло баҳолар билан тугатди. Сўнг «Benaks» фирмасининг менежмент академиясида ўқитувчилик фаолиятини амалга оширди. Бугунги кунга келиб эса Маҳмуд Отақўзиев республикамнинг энг етакчи модельерларидан бири саналади. Кўриниб турганидек, одам доимо иқтидор ва меҳнат билан ёна-ён бўлади.

Маҳмуд Отақўзиев моделарни ижод қилиш жараёнида гоёларнинг ўзига ҳослигига устуи даражада аҳамият беради, фақат табиий матолардан фойдаланади.

Ҳар бир аёл, — дейди у, — ишга қандай либослар кийиш лозимлигини билади, модельер эса унга байрам тадбирларига унутилмас ва бетакорр қиёфада қиқиб, кечанинги маллиқаси бўлишига ердан беради.

Маълумки, қадим-қадимлардан Шарқда устозлик ва шоирлик тушушчалари жуда муҳим роль ўйнаб келган. Маҳмуд ҳам ушбу тамойилларга қатъий риоя қилиб келади.



Халқлар Дўстлиги майдони янада кўркاملашди. Бу ерда «Бизнес маркази» биноси қад кўтарди.

Рашид Галиев олган суратлар.

...МАДРИДНИНГ Халқаро конгресслар ўтадиган маҳаббатли саройи. Бу ерга дунёнинг кўплаб давлатларидан тиббиёт илмининг буюк даргалари йиғилишган. Ялли мажлиста раислик қилувчи «Сўз доктор Назаровга, Ўзбекистон» дейиши билан конгресс қатнашчилари диққати ўзбек олимига қаратилди. Минбарга кўтарилган профессор Озод Назаров мустақилликка эришган мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашдек олийжаноб ишга давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистонда бронхал астма хасталиги, аллертик касалликларни даволашда эришилаётган ютуқлар, бу борда хорижий шериклар билан ўрнатилган илмий ва амалий алоқалар ҳақида, юртимиз табиатидан келиб чиқиб хасталикларни гиёҳлар билан даволашга катта эътибор қаратилаётгани тўғрисида лўнда қилиб, ишончли далил ва манбалар асосида сўзлаб берди.

Профессор Озод Назаровнинг бу маърузаси нафақат конгресс қатнашчиларида, балки анжуман ишини ёритиш учун дунёнинг турли бурчақларидан бу ерга ташриф буюрган хорижий журналистларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шу боис танаффус пайтида журналистлар ўзбек олимига яқинлашиб, унга ўзларини қизиқтирган саволларни беришар, Озод Назаров эса бу саволларга батафсил жавоблар қайтарарди. Шу кунги газеталарнинг кечки сонларида бу жавоблар босилиб чиқди...

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида рўй бераётган ўзгаришларга бўлган бундай қизиқиш, тиббиёт фанида эришилаётган ютуқларнинг шундай нуфузли анжуманда эътироф этилиши Озод Назаров қалбидан ўзи тугилиб ўсган юртга фахр ва ифтихор, шукроналик туйғуларини жўш урдириб юборганди.

— Биласизми, — дейди майин табасум билан Озод Назаров, — шу кунги қалбимдан кечган туйғуларни оддий сўз билан таърифлаш қийин. Ахир каминга озод юртнинг бир фарзанди сифатида юксак анжуманда маъруза қилиш ва бу маърузага бўлган катта қизиқиш мамлакатимизда соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг эътироф этилиши ҳам эди. Мана сизга озодлик ва мустақилликнинг олий неъматиди! Шу кунги мен озодлик ва хурликнинг лаззатини яна бир бор туйдим ва мента Озод исмини куйган падари бузрукворим билан волидан меҳрибонимнинг донолигига яна бир бор иймон келтирдим. Бинобарин, озод юртнинг озод фарзанди бўлишимни ўзи катта бахт ва саодатку!

ДАРҲАҚИҚАТ, Озод Назаровнинг фахрли ва ҳаяжонли айтиш ушбу дил сўзларида бир олам маъно бор. Мустақил тузум пайтида ўзбек олимининг шундай юксак минбарларга чиқиб ўз юрти тўғрисида маъруза ўқишини ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Хурлик ва озодлик бизга жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш имкониятларини очиб берганлиги бугун ҳаммамизга кундек равшан.

— Лекин, — дейди Озод Назаров, — хорижга борган одам ўзи тугилиб ўсган юртини тез соғинади, Ватан туйғуси нақадар буюк туйғу эканлигини дилдан ҳис этади. Ўзбекистонимизнинг бир сўз қиммати тупроғи кўзга тўтиё эканлигига қайта-қайта иймон келтиради, тезроқ киндик қони тўкилган юртга қайтиш таловинини кўради.

Ҳа, Озод Назаров учун ҳам ўзи тугилиб ўсган табииат гоят сўлим ва мағнункор Сижжақ қишлоғи, илм чўққиларини эгаллаган қадрон ва бетакрор гўзал Шарқнинг чинакам машади, беназир Тошкент шаҳри жуда азиз ва мўътабардир. Худди мана шу она шаҳар унга илм берди, худди мана шу она шаҳар уни дунёга танитди. Бугунги кунда уни таниқли ўзбек олими сифатида гоят қадрлашади. Унинг 26 йилдан бери аҳл жамоага — моҳирлик билан раҳбарлик қилаётган республика Илмий ихтисослашган аллергология маркази фаолиятига Нобель мукофотининг нишондорлари — америкалик А. Пеннс ва Ж. Йохсонсин сингари жаҳон тан олган буюк олимларнинг юқори баҳо берганлиги юқоридики фикримизнинг далилидир.

МАЪЛУМКИ, илм йўли фидойиликни талаб қиладиган йўллар. Унинг машаққатларида дош берган одамгина кўзлаган мақсадига, илмининг нури чўққиларига эришади. Озод Назаров ҳам Тошкент Давлат тиббиёт институтини муваффақиятли тугаллаганидан сўнг илм йўлини танлади. Таалаблик йилларидаги устозларидан ўзи танлаган касбга фидойилик фазилатларини

олди, илмий фаолияти даврида ҳам устозлар фазилатлари унга қўшқан бўлди. Энг муҳими ўзи танлаган касбига меҳр ва ихлос қўйиб, шу йўлда фидойилик хислатларини мудом намоён этиб келмоқда.

Профессор Озод Назаров ўзи бош раҳбар бўлган кичик аллергология бўлимини бугунги кунда мамлакатимиз ва ҳатто хорижий элларда ҳам маълум ва машҳур бўлган республика Илмий ихтисослашган аллергология марказига — энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган марказга айлантириш йўлида фидойилик билан меҳнат қилиб келмоқда. Бугина эмас. Олимнинг тиббиёт соҳасида профес-

ча етарли билимга эга бўлмоқдалар. Юқорида биз бир отахоннинг оғир аҳволда келгани-ю фақат профессорнинг ўзига кўрсатишни илтимос қилганини айтган эдик. «Астма ва аллергия» мактаби машғулотида чиқиши биланоқ Озод Назаров отахонни меҳрибонлик билан кўздан кечирди, ширин сўзлар билан кўнглини кўтарди, бу ердан дардига шифо топиб кетишига ишонтирди. Отахоннинг — яна бир беморнинг кўзларида ҳаётга нисбатан умид учкунлари пайдо бўлди...

— Шундай отахонлар дардига малҳам бўлганимда, — дейди профессор, — падари бузрукворимнинг нури сиймолари кўз олдига келаверида ва уларнинг мента айтган гаплари ёдимга тушаверида. «Уқи болам, ўқитин, фақат шифокорликка ўқитин, инсонларни дардидан фориқ қилувчи шифокор бўлиб етишгин...» деган отам васиятларининг амри вожиб бўлганлигидан фахрлиниб қўяман. Бинобарин, энди оилада бир мен эмас, балки рафиқам Азизахон ҳам шифокор, ўғлим Жамшид-жон ҳам эл саломатлиги посбони бўлишга аҳд қилган — у 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг талабаси. Балки кенжатайимиз Жаҳонгиржон ҳам бизнинг йўлимиздан кетар. Қизимиз Наргизахон эса ҳуқуқшунос. Хуллас, оиламизни шифокорлар оиласи десам тўғри бўлади. Оила аъзоларимиз билан инсон соғлиги йўлида хизмат қилаётганимиздан, одамларнинг меҳрига сазовор бўлаётганимиздан, уларнинг миннатдорчилик сўзларига мушарраф бўлаётганимиздан фахрланамиз.

ҲА, дунёда одамлар оғзидан миннатдорчилик сўзларини эшитиш, уларнинг олқишу дуосига сазовор бўлишдан ҳам ортик бахт борми? Профессор Озод Назаров ўзининг ярим асрлик ибратли ҳаёти давомида одамлардан фақат илм ва миннатдорчилик сўзларини эшитиб келмоқда. Дарҳақиқат, одамлар билан ширин муомалада бўладиган, уларнинг сўзларини диққат билан тинглайдиган, бир оғиз сўзи билан одамларнинг кўнглини тоғдек кўтарадиган Озод Назаров меҳрибон устоз ҳамдир. «Устоз — отангдек улуғ» деганларидек, унинг бевосита раҳбарлиги ва ҳамўрғиллигида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаган шоғирларни профессор Озод Назаровдек таниқли олим ва меҳриларё мураббийдек устозлари билан жуда фахрландилар.

«Меҳнат қилган элда азиз», деган нақлнинг нақалар топиб айтилганини профессор Озод Назаровнинг ўттиз йилдан бери инсон саломатлигини сақлаш борасида қилаётган фидокорона меҳнатлари юксак тақдирланганидан ҳам кўриш мумкин. Муҳтарам Президентимиз Фармонларига биноан Озод Назаровнинг тиббиёт соҳасида, жамоат ишларида кўрсатаётган фидокорона меҳнатлари Ватанимизнинг олий мукофоти — «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланиши ҳам унинг хизматлариغا берилган юксак мукофотдир.

Шу кунларда умрининг олтин баҳорини зўр қувонч ва шодоналик билан қарши-лаётган таниқли олим ихлодий куч-қувватга тўла, доимо изланишда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ташаббуси бўйича қабул қилинган «Болалар ва катталарда бронхал астма давоси ва унинг эҳтиёт чорасини кўриш» Миллий дастурини амалга ошириш борасидаги Озод Назаровнинг серқирра фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Европа аллергологлари ва клиник иммунологлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Урта Осиё пульмонологлари ассоциацияси, аллергологлар ва клиник пульмонологлар Халқаро ассоциацияси раёсати аъзоси сифатида амалга ошираётган ишлари ҳам ҳар қанча таърифлу тавсифга лойиқ. Унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош аллерголог ва республика Илмий ихтисослашган аллергология марказининг директори лавозимида инсон саломатлигини сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир.

ФИДОЙИ инсонларнинг иши доимо олға босаверида, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай! Буни биз бугун азиз оқшомхонларга ҳикоя қилиб берган таниқли ўзбек олими, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озод Назаровнинг серқирра фаолияти, ибратли умр зарварларидан ҳам яққол кўриб турибмиз. Илоҳим озод ва ҳур юртимиздаги ана шундай меҳри дарё, соҳватли қалб эгалари, фидойи инсонларнинг азиз бошлари доимо омон бўлсин.

Солиҳ ЕКУБОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган маданият ходими.

Фанимиз фидойилари

ОЗОД  
ЮРТНИНГ  
ОЗОД  
ФАРЗАНДИ

бўлиш нақадар саодатли, — дейди профессор Озод НАЗАРОВ



сор деган илмий унвонга, тиббиёт фанлари доктори деган илмий даражага эришиш йўлида озмунақ тунларни безор ўтказганини, олиб борган илмий изланишлари ўз самарасини берганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Унинг номзодлик, докторлик соҳасида катта муваффақият билан ёқлаган диссертациялари астма хасталиги, бронхал астма касаллигининг ўзига хос жиҳатлари, клиник оқимлари, минтақавий томонларига бағишланган. Мана шу илмий изланишлар натижасида Озод Назаров раҳбарлик қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникасида фаолият кўрсатаётган республика Илмий ихтисослашган аллергология маркази иш натижаларида яққол кўришини мумкин.

...НАВБАТДАГИ иш кунларидан бири эди. Кўксига оппоқ соқоллари ярашиб тушган, лекин нафаси қисаверганидан жуда толиқиб, кўзлари ичига тушиб кетган отахонни ушбу марказга олиб келганларида унинг оғзидан чиққан гап шундай бўлди:

— Мени фақат профессор Назаров ўғлим кўрсиналар...

Шифокорлар профессорнинг маъруза ўқиётганини, ҳозир танаффус бўлишини ва отахоннинг илтимосини унга етказишларини айттиди.

Шу пайт профессор марказга даволангани келган беморларга «Астма ва аллергия» мактаби машғулотларидан сабоқ берарди. Шифохонада фаолият кўрсатаётган бу мактабни ташкил этиш гоёсини ҳам Озод Назаров илгари сурди. Ахир беморнинг ўзи хасталиги ҳақида, шу хасталик хуруж қилган пайтда ўзига-ўзи биринчи ёрдам кўрсатиши ҳусусида етарли билимга эга бўлишига нима етсин! Мана, беш йилдирки, ушбу мактабда таҳсил олган беморлар ўз хасталиklarини даволаш бўйи-

Янги премьер

«ҲАЁТДАН  
ТҮЙГАН  
ТУН»

Фидокорлар миллий демократик партияси туман ва шаҳар партия кенгаши котиблари, Тошкентда яқинда бўлиб ўтган уч кунлик семинар кунлари Халқза номидagi Давлат академик драма театрининг меҳмони бўлишди.

Улар аввалига театр музейи экспонатлари билан танишишди, сўнгра катта залда Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов билан учрашув бўлди. У мамлакатимизнинг ўтган фидойи кишиларини эслаб, яқинда тузилган ёш партия фаолларини юртимизнинг ҳақиқий фидойилари бўлишга даъват этди. Учрашув сўнггида йиғилганлар учун театр сахнасида биринчи бор қўйилаётган «Ҳаётдан тўйган тун» премьераси намойиш этилди. Премьера қозоқ ёзувчиси Боқийжа Мукай қаламига мансуб бўлиб, Қодир Мирмухамедов томонидан таржима қилинган.

Асарни қоракалпоғистонлик кўзга кўринган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, Бердах номидаги Давлат мукофоти совриндори Нажmiddин Ансатбаев сахналаштирган. Бош ролларни иқтидорли артистлар Мохира Нурметова, Алишер Хамраев, Фарход Абдуллаев ва Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист Рихсивой Авазов ижро этдилар.

Азиза ЙҮЛДОШЕВА.

Кўмсаи

СОҒИНИБ  
ЭСЛАЙМАН,  
МАКТАБИМ

Эрталаб ҳавонинг ёқимли шабдаси, кўёшининг кўзимга тушган нуридан уйғониб кетдим. Кўчада ўқувчиларнинг шод ва ҳаяжонли овозлари эшитилди. Улар чиройли мактаб кийимига кўлларига даста туллари кўтариб кетаётган экан. Уларни кўриб ҳавасим келди ва мактабимни соғиниб эсладим. Биз ҳам тўрт йил олдин чиройли мактаб кийимига, сочларимизга катта ленталарни боғлаб, кўлларибизга атиргулларни кўтарганча шеърларимизни такрорлаб, хурсанд ва ҳаяжон билан келганмиз.

Мирзо Улуғбек номли 34-ўрта мактабимиз раҳбари Қидир Бекжонов сўзга чиқиб, оқ йўл талаб ҳар қандай кийинчиликка чидамли, ҳаёт синовларига бардошли ва яхши касб агалари бўлишимизни талаб қолган. Мактаб директори ва синф раҳбаримиз Марат Рустамов ҳамда бошқа муаллим-устозларимизга бугунги кунда миннатдорчилик билдираман. Илм, тартибни, оқ билан қорани ажратиб ва ҳаёт сабоқларини ҳам ўргатган ана шулар эди. Мактабимни соғиниб ва кўмсаб эслаганимда шоир Наримон Орифжоновнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушади:

Ҳаёт синовлари қилса имтиҳон,  
Берган билимларинг бўлади дармон.  
Порлоқ палдузимсан, сен менинг ҳамон,  
Соғиниб эслайман сен, мактабим.  
Феруза ЭГАМБЕРДИЕВА.

Шарқ гурдонлари

ОЗ-ОЗ ҲАЁТНИНГ  
ДОМО БУЛДУР...

◆ Бордию, кишининг учта фарзанди бўлса, ҳар уччовига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга эга бўлмаса биттасига илм ўргатсин, биттасига хунар ва яна биттасига зироат ёки тижорат ўргатсин. Умуман уларни бирор фойдали иш билан машғул қилиб нобақор ва қабиқ кишилар билан улфат ва ҳамсуҳбат бўлишдан қайтариш керак.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ.

◆ Кимки китобга кўп боқса китоб унинг зехнини очади, завқини оширади, сўзга чечан қилади. Китоб ёлғизликдаги энг муносиб ҳамдамдир. Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар бериб бериб.

Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга етказди. Китоб одоб-ахлоқнинг қони, билимнинг эса бўлуғидир.

◆ Ота ёки бошонинг наслу насоби билан эмас, балки ўз меҳнатинг ва хунаринг билан керил! Азизим лоф урма насабдан, Насабдан кечгилу, лоф ур абаддан!

«Аталар сўзлари»дан.

◆ ХИКОЯТ. Бир улуг киши ҳикоят қилиб деди: «Мен бир қавмин кўрдим, ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юрaverишар экан. Кўрганда эса хол-аҳвол сўрашма, фақат ишдан гапиришиб, пул, мол керак бўлса бир-бировидан аяшмас экан. Бундай яхшиликни эса бир-бировларига ҳеч қачон миннат қилишмас экан.

Яна шундай бир қавмин кўрдим. Агар бир-бирини кўрмай қолган бўлишса, хол-аҳволини, қандай яшаётганини, бола-чака, хотин-халақларини ва бошқа нарсаларини зўр эътибор билан суриштиришар экан. Ҳатто агар уйда жўжа бўлса жўжанинг аҳволини ҳам сўрашар экан. Агар пулдан гап чиқиб қолса тездагина чап беришиб, қочиб қолишаркан. Арзимас бир нарсани бир-бирига огринишар экан. Байт:

Юз марта ҳол-аҳвол сўрагандан кўра,  
Бир тийин ҳади қил дўст экан ночор,  
Юзлаб ширин сўздан яхшироқ эрур,  
Минг марта яхшилик айласанг минг бор,  
Ёрдам қилиш агар бўлмаса дилда,  
Тилингни тийгилу, сўзлама зилҳор.  
Қўп-қўруқ сўз билан адбаса ҳар ким,  
У одам эмасдир, туйқоидир айёр!

Маждиддин ХАВОФИЙ.

◆ ХИКМАТ. Бир ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб деди: «Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсанг унга дарҳол дўстлик сўзларини изҳор қилма. Синалмаган кишига ишониб бўлмайдилар. Орадан вақтлар ўтиб, эътиборингга лаёқатли бўлса, дўстликка арзиса, унга яқинлаш ва барча ишда унга ёрдам қилини чўз!»

◆ Икки дўст ўзаро аччик-аччик гапиришиб, бир-бирига таъна тошини отишар ва бақириварди. Шу пайт уларнинг ёнидан бир кекса киши ўтиб қолди ва деди: «Гарчи шоир:

Дўстлар бир-бирдан ноз қилса арзир,  
Ачитиб гапиринг — дўстлик сайқали, —  
деган бўлса ҳам, бу сўзга учманг, алданмангки аччик сўз жунунлик белгиси, жунунлик эса хусумат белгиси, хусумат эса адоват келтириб чиқарувчидир. Душманлик мевасини берувчи дарахтни экишдан нима фойда?»

Юрагинда муҳаббат бўлса,  
Ачитиб гапирма қўнғил бузилар.  
Аскар вақт урган дўстликнинг илми,  
Таънадан бошланиб, сўнгра зузилар.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Баъзи бир ҳакимларнинг ёзишича, нафснинг тизгини ақлнинг қўлидадир, ақл нафс устидан ҳукм юргизиши, уни ёмон йўлдан асраб туради. Одатда қайси нарса кўпайиб кетса қадри камайиб кетади. Аммо ақл кўпайган сари қадри ошаверида. Ҳамма нарсанинг чегараси ва тўхтайдиган жойи бор, аммо ақлнинг чегараси йўқ.

◆ Бир ҳакимдан: «Сиз кишининг ақлини қандай қилиб биласиз?» — деб сўрадилар. Ҳаким уларга: «Агар манда бундай истак пайдо бўлса, аввал ўша киши билан суҳбат қўраман, баъзи нарсалар ҳақида баҳс этаман, агар сўзлари рост ва хатоси кам бўлса, демак ундай кишида ақл бор деб тасаввур қиламан» деб жавоб берди. Яна ундан: «Бордию ўша киши билан сўзлаша олмасангиз сиздан узоқда бўлса, унда қандай қилиб аниқлайсиз» деб сўрашди. «У пайтда, — деди ҳаким, — ўша киши юборган дўсти билан гаплашаман, дўсти орқали гап ёки ҳақиқатга фикрларидан мазкур кишининг ақли доирасини текшираман!»

«Фавоқиҳ ал-жуламо»дан.

◆ Азизим, улугликнинг сабаби ақл ва одобдир. Кимки соф ақл ва комил фаросатга эга бўлса пастилик даражасидан улуглик мартабасига эришиши мумкин. Байт:

Қилда ўтир ақлу фаросат бордир,  
Ғалаба байроғин тижар осмона!

◆ ХИКОЯТ. Айтишларича, бир доно киши бор эди. У камбағаллик қўйига тўшиб қолиб, бир мартабали одамнинг уйига ўғрилликка тушди. Қараса, уй эгаси қимматбахо матолат устида ухлаб ётар, атрофида эса турли хил бойликлар ястаниб турарди. Доно кишининг кўзи мартабали одамнинг устида қилич ушлаб турган маймунга тушди. Маймун ўргатилган бўлиб, шу онда ўз соҳибининг юзида кетаётган чумолини қилич билан уриб ўлдиришга шайлиниб турган эди. Буни кўрган доно киши чопиб бориб, маймуннинг қўлидан тутиб қолди. Уй соҳибини шарпадан уйғониб кетиб, воқеадан хабар топди-да, ўзича хулоса чиқариб деди: «Кишига толе кулиб боқса ўғри унинг учун посбонга айланади, душман эса меҳрибон дўстга!» Байт:

Дўстинг бўлса агар беақл, подон,  
Унда оқла душман яхши минг чандон!

Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ Ақли одам аввал маслаҳатлашиб, сўнг ишга қўл уради. Аҳмоқ эса аввал ишга қўл уриб, кейин маслаҳатлашади.

Ақли киши ўз фикрининг меваларидан баҳраманд бўлади.


«Аталар сўзлари»дан.

Маҳмуд ХАСАНИЙ таржималари.

-1-

-2-

-3-



Шаҳримиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар-жой бинолари, маданият-маиший мажмуалар қад кўтаряпти.  
СУРАТЛАРДА: А. Ҳўжаев кўчаси ва «Шодлик палас» меҳмонхонасининг бугунги кўриниши.



# ЎКСИК ҚАЛБГА МАЛҲАМ БЎЛАЙЛИК

Оқибат

— дейди шоирнинг рафиқаси Насиба опа

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика журналистлар уюшмаси мукофоти соҳиби Наримон Орифжоновнинг азият шахримизнинг Акмал Икромов туманидаги Фуқарат маҳалласида жойлашган хонадонига борганимизда шоирнинг рафиқаси Насиба опа мени ўз фарзандидек кутиб олди.



Бу хонадонда аввал ҳам фарзандлари Хусанжон, Хабибуллоларнинг никоҳ кечаларида, шоирнинг барча тантаналарида бўлган эдик. Лекин, бу гал... Насиба опанинг қалбида ўксик нидо сезилиб турарди. — Қисқа вақт ичида тўрт бор инсулт касаллигига дучор бўлдилар, — дейди Насиба опа. — Оиламиз бахтига яратган сақлаб қолди. Турмуш ўртоғини соғ маҳаллари яқин 50 йилдан ортиқ матбуот соҳасида ишладилар. Ногирон, етим-есир, ноқорларга, айниқса меҳрибон эдилар. Дўстлари ортиқмадан ҳам, кирғиз, туркман, қозоқ элларидан ҳам бисёр. Улар неча бор уйимизга ташриф буюришган. Бу хонадонда Шукур Бурхонов, Шухрат домла, Пулат

Мўмин, Ҳамза Умаров ва бошқа улуг ижодкорларнинг изи бор. Андижонлик ногирон, кўзи ожиз Қобулжон ва қўлаб ёш ижодкорларнинг илк асарларига «оқ йўл» берганлар. Меҳр, оқибат, инсон қадр ҳақидаги бир неча шеърлари таниқли санъаткорлар томонидан қуйланмоқда. — Наримон акадан кимлар хабар олиб туришадилар? — Республика «Наврўз» хайрия жамғармасидан Дадашон Екубов, кекса журналист Эркин ака Жабборов, «Тонг йулдузи» газетасининг бош муҳаррири Умида Абдуазимовадан миннатдоримиз. Яқинда Наримон аканинг оғир аҳолидан хабар топган Ўзбекистон телевидениесида Тохир Муллабоев хонадонимизда бўлиб, ойнак жалва учун ул вақта тайёрладилар ва у телевидение орқали намоиш этилди. Наримон

## Турфа олам

### СУМКАДАГИ ВЕЛОСИПЕД

«Келажак велосипедини қандай тасаввур қилиш мумкин?», — Мана шу мавзудаги саволга жавоб топиш учун бир неча марта анкета тарқатилди. Кўпчилик ўз жавобларида велосипед оғирлигини камайтириш ва уни йўлдан қўчиришга қўлайроқ қилиш илтимос қилган. Анкетага жавоб берган велосипедчилар билан тўртинчи каватга олиб чиқиш, у билан лифт ва автобуста бемалол чиқа олиш, ниҳоят уни сумкага солиб театр гардеробига шляпа билан топшириш мумкин бўлиши деган таклифлар айтиildi. Худди шундай русумдаги икки гилдиракли велосипед яратиш учун қўлаб синов ишлари олиб борилаётган.

Жумладан, англиялик конструкторлар томонидан йўл ва енгил велосипед яратилди. Бу машина икки гилдиракли бўлиб, унинг диаметри 400 миллиметрдан иборат. Янги велосипед габаритлари эса 500х550х250 миллиметр дур.

### ФАЛАТИ СУХБАТ

Табиятшунослик музейининг директори Агулуш Кабрал «Мо-заик кобралари» китобини на-шарга тайёрлади. Унда Мозам-бикадаги 80 дан ортиқ турли хил кобралар ҳақида хўшқа қилина-ди. Уларнинг ярми захарли илонлардир. Музей директорининг ўзи уларни чуқур ўрганганлиги шун-данки, ҳатто киёмат хонасида ҳам бир неча кобраларни сақлайди. Пойтахтда чиқадиган газеталар-дан бирининг муҳбири билан бўлган суҳбат олдидан илонлар-нинг бирини шикдан олиб су-ратга туширишга ҳам тўғри кел-ган.

### УЧ ОЙЛИК КУРС

Англияда 12 ёшгача бўлган болалардан масхарабозлар тайёрлайдиган уч ойлик курс очилди. Бу ерда болалар проф-фесионал артистлардан таълим олишади. Шофюрларнинг хулласига қараганда бу курслар-га қираётган болалар бошқа те-нгуруларига нисбатан анча хуш-қачқак ва меҳрибон бўлиб ул-гайишади.

### МЕКСИКАЧА ИМТИХОН

Йўл ҳаракати қоидаларини ашак мингалар ҳам, хачир ми-нгалар ҳам билишлари зарур. Улар махсус хайатга имтихон топширадилар. Имтихон топши-риш учун рўқсат олинганда ашак ёки хачирнинг икки фотосура-ти, уларнинг эгасини эса тўрт-та фотосура ти топширилади.

### ТИРИК «МОЛ»

Амстердам (Голландия) по-лицияси бразилиялик юрист бир шахсини қамқоқ олди. Уни Гол-ландия, Швеция ва Германия Федератив Республикасининг турли оилаларига бразилиялик 13 та болани сотганликда айб-лашган. Тирик «мол»-га яъни ҳар бир бола учун 3 минг доллар-дан пул тулган, деб хабар бе-ради Франс-Пресс агентлиги.

Шаҳзода ИНОГОМОВА тайёрлаган.



Қулайлик

## ХИЗМАТНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ МАВЖУД

«Олой» бозори савдо-сотик расталари рўпараси-га жойлашган мухташам бино олдидан ўтиб бо-раётган икки нуруйни отахониниڭ қуйдаги суҳбати гўвоҳи бўлди.

— Қара-я, олдинги сафар босорга келганимда мана бу бино йўқ эди. Барака топиш-син, қисқа муддат ичида шундай чиройли бинони тиклашга улгуришди-я. Иккинчиси унинг гапини тасдиқлади. — Чиндан ҳам, шахримиз кун сайин гўзаллашиб бор-моқда. Истиклолдан кейин бўлган ўзгаришларни санаб адолига етолмайсан киши. Шу суҳбат боис бу йирик мажмуани кимлар қурган, ҳозир бу ерда қандай хиз-мат кўрсатиш нукталари борлигини билиш мақсади-да бино ичкарига кирдик. Маъмура раҳбари Равшан Ра-шидов билан танишиб, уни суҳбатга тортидик. — Ушбу бинодо турли хизмат кўрсатиш нукталари мавжуд. Сартароҳонадан тортиб пойабзал тузатиш ус-тахонасигача, гўзаллик сало-ни ва бошқа савдо-сотик хо-налари дейсизми, хуллас бу ерга қаддам ранжида қилган миждо хоҳлаган хизмат ту-ридан баҳраманд бўлиши мумкин. «Наврўз» деб ном олган мажмуада юқоридагилардан



## Назм

### НУР ТАЛАБМЕН

Ҳазрат — деб, кўйдим-ку ё, раб, ўлди кўнгул дилдордин. «Не фиғон» — деб, сўрмазайдир, бир булбули бедордин.

Кўкда ой ҳам, субҳ-да ботмай, позанур Шамс қошида Не вафо кутгай-ки кўнгул, қалби тошлуг хунҳордин.

Ноз ила юзминг жафониң тошини отса магар Қаср бунёд бўлгай эрди, тинмагур меймордин.

Тошга ҳам кўр тегаси гар, оташи малҳам эзур, Кўр берибким нур талабмен, ул тош кўнгул бемордин.

Изи айла, нома бирла, дўндисин айтмоқча сўз, Ё, дегайму — «бозор ўлдум, сен киби шум бевордин».

Во даруго, шумлик эрса, гар муҳаббат шеваси, Қайс недин кезур сахро, не топибдур озордин.

Мен-ку Қайс ҳам эрмагаймен, ва ё, девоналуг Маишраб, Не учун безора ўлгай? — Як болишдин безордин!

### КЎРГАЗМА БЎШ ҚОДАЙЎ

(Неварам билан «Болалар дунёси» магазинига кирганда)

— Вой...буй, бунча кўнгулқоқ кўп, Бунча шарин барчаси. Жовдирашар бўлиб тўп-тўп, «Олиб кет» — деб, қанчаси. Барчасиға бўлиб гирён, Бошин сийла парвока. Олиб бериңг жон бобожон, Ҳар биридан бир дона. Олиб бериңг, ҳов манови Йўлқосин юпатай. Ҳов анов жайқотай. Учинатиб бу қўйлатай. Вой, мана бу шўр тумшүқни, Байрон қилиб қўяман.

### Қатра

## МАЙСА ВА ЯНТОҚ

Кун иссиқ. Ясси тепа тул-роғининг нами қочганидан бугдой майсаларнинг ша-ди паст. Тепа ёнбағридаги янтоқ майсаларга далда бе-риш ўрнига руҳан эзмқчи бўлади. — Саратон келмасдан хо-линг шу бўлса?... Иссиқда чидашни менга чиқазган. — Сенин илдизинг узун, намини ер қариздан тортиб олаверсан. Бизнинг илдиз-ларимиз ернинг юзасида. Вақтида ёмғир ёғади. Сув-садик. Лекин эгамиз биздан умидвор. Харақатда. Элинг оғзиға ош, нон тутсам дей-ди, — жавоб қилди майсалар-дан бири. Мотор ишга тушди. Паст-да оқаётган сой сувидан те-

# ҒАЛАТИ ҚЎШНИ

Ҳикоя

Ўтган йили маҳалламизга Салимжон де-ган йигит кўчи келди. У дастлабки кўнлар-данок кўни-кўшиларда яхши таассурот ўнготди. Ўзи келишган йигит. Қулиб туради. Кулганида оғзининг чап тарафидида тилла тиши йилт-йилт қилади. Мен Салимжонни аввал шахсан танимас эдим, аммо у ер-бу ерда кўриб юрардим. Исмини ҳам билмас-дим. Бироқ айрим тантанали кечалар очили-ши пайтида хайбат столига гулдаста олиб чиққанини, микрофони қўли билан чертиб кўрганларини эслаймэн. Ҳарқалай, қачон кўр-сам Салимжон залдан юқорироқ жойларда юрарди. Ҳатто таниқли санъаткорлардан би-ри олтиш ёшга кирган кўни юбилянинг ён-ганида ўтирганини ҳам қурганман. Яқин-имда ўтирганлардан баъзилари: «Юбиля-нинг ёнидаги йигит ким бўлди экан?» деб бир-бирларидан сўраганларини ҳам эшитган эдим.

Салимжонни биронта институтнинг илмий ходими бўлса керак, деб ўйлардим. Чунки у доимо илмий ходимларда бўладиган катта-кон портфель кўтариб юрарди. Кейинроқ билсам, илмий ходим эмас, аллақайси исти-роҳат боғида директор ўринбосари экан. Дастлабки ойларида Салимжон билан кам-роқ учрашардик, бир-биримиз билан илиқ-қина сўрашардик-да, ўз йўлимизга кетаве-рардик. Лекин кейинги ойларида кўшим билан бот-бот учрашадиган бўлиб қолдим. Бир кўни яна йигилишга борадиган бўл-дим. Автобус бекатига етганда Салимжонга дуч келдим. Мен билан кўриштуруиб: — Йўл бўлсин, кўшн! — деб сўради у. — Йигилиш бор экан. — Алломиш саройидаги йигилишга эмас-ми? — Ҳа, ўша ерга. — Буни қаранг-а, йўлимиз бир экан. Мен ҳам ўша йигилишга кетяпман... Анчадан бе-ри турибман, таксилар тўхтамай ўтиб кетя-пти. — Автобус келмаптими? — Икитаси ўтиб кетди. — Тикилинг эканми? — Йўқ, унча тикилинг эмас. Кейингисида унча одам бор эди. — Чиколмабсиз-да? Салимжон менга бошдан-оёқ тикилиб қул-ди: — Шундай тантанали мажлисга автобусда борамизми?... Узокдан автобус кўринди. — Ҳў, Салимжон, ана келяпти. Юринг, ке-такотлайлик, — дедим унга. — Э, кўйсангиз-чи... Сиз ҳам чикманг, та-ксиди ўзим олиб кетаман, — деди у. — Раҳмат, шунда кета қолай, — дедиму автобусга чиқдим. Уша кўни Салимжон йигилишга мендан аввал бордим, кейин бордим — билолмадим. Яна бир кўни — хотиним иккаламиз те-атрга борган эдик — Салимжонни касса ол-дида учратдим. Улар ҳам икки киши эди. Аммо хотини иккаласи кассанинг тўнгуғи то-мондан хомуш қайтаётган эди. Сўрашдик. Са-лимжон касса тарафга ноҳуш қараб қўйди. — Яхши спектакль деб эшитиб театрға кирмоқчи эдик. Билет қолмабди. «Аслида биз ҳам спектакль кўрмоқчи эдик. Салимжоннинг гапини эшитиб, хотиним ик-каламизнинг тарвузимиз қўлтигимиздан туш-гандек бўлди. Хотиним менга, мен хотиним-га қарадим. Шу орада Салимжонлар қаёққа-дир кетишди. Мен уни, кассири тушмагурга

кўполроқ муомала қилиб қўймаганиман, деб ўйладим-да. Бахтимизни бир синиб кўрмоқ-чи бўлдим. Кассир қизга рўпара бўлиб, сер-такулфлик билан: — Қизим, биз ҳам янги спектаклни кўр-моқчи эдик, — дедим. — Агар мумкин бўл-са... — Нечта билет керак? — деб сўради кўз-лари чакнаб турган кассир қиз. — Иккита. — Марҳамат!.. Яхши муомала билан иш битирганимдан мен ҳам, хотиним ҳам хурсанд эдик. Иккин-чи кўнғирокдан сўнг залға кирдик. Кирдигу хайрон бўлиб қолдик. Залдаги ўринларнинг деярли ярми бўш эди. Салимжонга билет сотмаган кассир қиздан нафратландик. Би-летда кўрсатилган номерга ҳам қарамадик-да, залнинг ўртағидаги бўш жойларга бо-риб ўтирдик. Эртасига Салимжонга шу воқеани айтиб, спектаклдан олган таассуротларини айтиб бердим. — Қанақа жойда ўтирдиларингиз? — сўра-ди Салимжон. — Қанақа жойда бўларди? Залнинг қоқ ўртасида — жуда яхши жойда ўтирдик. Салимжон менинг холигим ачингандек ла-бини бурди: — Залда ўтириб томоша кўриш ҳам иш бўлдим, кўшн! Озиб-ёзиб театрға кирган-га яраша ложада ўтириш керак-да!.. Мен кассир қиздан ноўрин нафратланга-нимизни сездим. Бир кўни Салимжон ҳаммом эшити о-лдида учратдим. Пешонасидаги тер томчи-ларини кўриб сўрадим: — Ювиниб чикдингизми ё энди кирмоқ-чимизми? — Энди кирмоқчиман, Навбат жуда катта. — деди у. — Бир соатдан бери кутяпман. — Кайтиб кетаверсак ҳам бўлар экан-да? — деб ўз-ўзимга сўзлагандек кассирга яқин-лашдим. — Ҳаммомга тушиш ҳам қўйин бў-либ кетяптими дейман? Кассир йигит сўзимизни эшитиб турган экан: — Нега бундай дейсиз, одам кўп эмас, — деди. Мен хайрон бўлиб Салимжонга қарадим. — Умумий зал бўш бўлса керак, кўшн, — деди Салимжон. — Мен алоҳида номерга кирмоқчиман. Кўпчиликнинг ичида нима қи-ламан? — Майли, бизга умумийи ҳам бўлавера-ди, — дедиму кассирга пул узатдим. Яқинда ишдан қайтатуриб озиқ-овкат ма-газинига кирдим. Ичкаридан бир буханка нон кўтариб чиқаётми, яна Салимжонни кўриб қолдим. У илжайган қўйи мен билан кўри-шатуриб сўради: — Нималар кўтариб юрибсиз, кўшн? Мен кўзим билан қўлимдаги нонга ишора қилдим: — Кўриб турибсиз-ку, нон... — Вой-бу, ҳали ҳам нон, қораси нон!.. Салимжонга ҳам нимадир керак экан ше-килли, озиқ-овкат магазинига кириб кетди. Мен унинг қайтиб чиққанини кутмай йўлга тушдим.

Оқилжон ХУСАНОВ

## Солитқ

### ҚЎШИМЧАСИ НЕГА ТўЛанади?

Бугунги кунда кўпгина фуқаролар 1998 йилда қўшим-ча иш қилганлари учун туман солиқ инспекциялари ор-қали қўшимча даромад солиғи тўлаш учун солиқ идора-ларига чақирилмоқда. Айримларда бу ҳол тушунмовчи-ликни пайдо қилмоқда. Маъмур жараёна аниқлик кир-тиш мақсадида Акмал Икромов тумани солиқ инспек-циясининг бош инспектори Бахтиёр Бобомуродов билан суҳбатлашдик.

— Бахтиёр ака, туман солиқ инспекцияларида баъзида баённома берув-чилар: «Нима учун иш ха-қидан иккинчи марта со-лиқ олинади?» деб сўраёт-ганларини эшитиш мум-кин. — Агар фуқаро фақат бит-та жойдан даромад манбаига эга бўлса ундан солиқ узи-л-кесил олинади. Аммо у бир неча жойда, масалан, ўрин-дошлик бўйича, шартномага кўра, бир марталик ишларни бажариш, кўмас мулкни ижа-рага бериш ва ҳоказо орқали даромад оладиган бўлса, бу бошқа гап. Бундай шахслар томонидан тўланган солиқлар миқдори даромадларнинг умумий миқдorigа кўпинча мос келмайди. Чунки ҳар бир тўланадиган жойдан солиқлар алоҳида ундирилади. Шунин-г учун тегишли қонунга до-сан икки ва ундан ортиқ да-ромад манбаига эга фуқаро-лар учун йиллик ялли даро-мад бўйича баённома тузиш лозим бўлади. — Агар ялли йиллик да-ромад солиғи қортил-майдиган энг кам миқдор-дан ошмаса, фуқаро кў-

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОНИ» Сизнинг рекламаларингизни, хўшсўй эълонлар ва хўшсўй бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъхилларни, таъхилду қуллари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўловларни, никоҳ эълонлари ва шуна ухшаш эълонларни ўз саҳифаларида ерлатади. Эълонлар шайба ва ҳисобабдан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Миробод туманидаги «АХ-МАДБЕК» тижорат маркази ТУГАЙЛАДИ. Даъволар эълон чиққан кўндан бошлаб бир ой даво-мида қабул қилинади. 2-ТошДавТИ «Камолот» жамғармасининг Давлат рўйхатдан ўтганлиги тўғри-сидаги 17.12.96 йил 02687, 16390016 сонли «ғувоҳнома-си» бекор деб ҳисоблансин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.